

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

РАҲМОНОВА ЗУЛАЙҲО ЖАМОЛОВНА

**ХII–ХV АСРЛАР ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА МУРШИД
ВА МУРИД ОБРАЗЛАРИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Раҳмонова Зулайҳо Жамоловна

XII–XV асрлар ўзбек мумтоз адабиётида муршид ва мурид образлари.....3

Рахманова Зулайҳо Джамаловна

Образ наставника (*муршид*) и адепта (*мурид*) в узбекской классической литературе XII–XV вв.27

Rahmanova Zulaykho Jamalovna

The image of a mentor (*murshid*) and an adept (*murid*) in the Uzbek classical literature of the XII-XV centuries.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

РАҲМОНОВА ЗУЛАЙҲО ЖАМОЛОВНА

**ХII–ХV АСРЛАР ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА МУРШИД
ВА МУРИД ОБРАЗЛАРИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1. PhD/Fil34 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳаққулов Иброҳим Чориевич,
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович,
филология фанлари доктори, профессор

Тўхлиев Бокижон,
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 30 сентябрь соат 16.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (71) 233-36-50; fax: (71) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил 21 сентябрь да таркатилди (2020 йил 21 сентябрь даги 4 - рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров,
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., академик

Р.Баракаев,
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий
котиби, филол.ф.н.



Н.Ф.Каримов,
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабиёт ва ахлоқ, адабиёт ва руҳ тарбияси муаммолари ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, маънавий комиллик инсоният учун ҳамиша ҳаёт-мамот масаласи бўлган. Шу маънода жамиятнинг тараққиёти ҳам, таназзули ҳам, энг аввало, устоз ва шогирд, мураббий ва издош муносабатларига боғлиқ. Маънавий-ахлоқий тарбия усуллари бир-биридан фарқланганидек, таълим-тарбия муассасаларида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан тасаввуф ва тариқатлар тажрибасининг ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бунда тасаввуф ва адабиётнинг ўзаро ҳамкорлиги фавқулодда ютуқ ва натижаларга кенг йўл очган. Инсоннинг ботин оламини ўзгартиришга эътиборнинг кучайиши эса таълимда ҳам, тарбияда ҳам кўзланганидан ортиқ самара берган.

Дунё адабиётшунослигида инсоннинг жисмоний ва руҳоний тарбияси нафақат тасаввуф таълимоти, балки халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиётнинг ҳам бош мақсади эканлиги қайта-қайта таъкидланган. Зеро, таълим-тарбиянинг тизимли жараёни, муршид ва муриднинг вазифа ҳамда мажбуриятлари бадий ижодда ҳам таъсирли усулларда тасвирланди. Тасаввуф ва тариқат аталмиш тажриба ва маърифат мактабининг мақсад-муддаоси нима, устоз деган шарафли ном соҳиби ким, унинг зиммасидаги ишлар нималардан иборат, шогирд томонидан бажариладиган талаблар қанақа сингари саволлар фақат ўтмиш эмас, бугун учун ҳам долзарбдир.

Истиклол даври ўзбек адабиётшунослигида тасаввуфий ғоя ва образлар оламини тадқиқ этиш, тасаввуфнинг мумтоз адабиётга таъсирини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Чунки ўтмиш адабиётимизда инсоннинг қалб оламини чуқур англайдиган, энг хассос туйғуларини ҳам илғашга қодир, тама ва риёдан йироқ руҳшунос муршид образи яратилган. Ижтимоий, маърифий ва маънавий ҳаётда миллий қадрият, диний, дунёвий билимларни жамулжам қилган таълим мактабига эгалиги билан Қадим Шарқ башариятга ўрнак бўлган. Муҳтарам Президентимиз: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва, мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади”¹, – дейди. Мумтоз адабиётда муршид шахсияти ва мурид камолотидаги мавқеини тадқиқ қилиш, унинг мурид олдидаги мажбуриятларини аниқ белгилаш, асл моҳиятни англаш баркамол авлодни вояга етказишга яқиндан ёрдам беради. Зеро, ёш авлод зукко, маънан жасоратли бўлишининг ягона асоси тўғри тарбия ва таълим бўлиб, тадқиқотдан кўзланган ҳақиқатлардан бири ҳам ўтмиш тажрибасини замон учун хизмат эттириш йўл-йўриқларини кўрсатишдан иборат.

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017. 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тасаввуф ҳақидаги қарашлар ҳамиша мунозарали бўлганлиги маълум ҳақиқат. Адабиёт ва тасаввуф муносабатидаги баҳслар тасаввуф дунёга келиши биланок бошланди, десак муболаға бўлмас. Шу боис унинг ўрганилишида доимо муаммолар бўлган. Бунинг асосий сабаби мазкур таълимотнинг асл моҳиятини англай билмаслик, баъзан эса атайлаб бузиб кўрсатиш мақсад қилинганлигидадир. Бироқ Шарқ мумтоз адабиётининг бош манбаси тасаввуф эканлиги барча замонларда ҳам эътироф этилган. XX аср адабиётшунослигида тасаввуф ва адабиёт масаласи деярли, ўрганилмади. Айрим тадқиқотлардагина риёкор муршидлар, козиб шайхлар ҳақида қарашлар билдирилди. Мустақилликдан кейин эса мазкур мавзу доирасида ижобий фикрлар, тўғри талқин ва таҳлиллар пайдо бўла бошлади. Тасаввуф тарихи, адабиётда тасаввуфий ғоялар ўрганилар экан, бу мактабнинг толибу мураббийлари хусусида ҳам фикрлар билдирилди. Н.Комилов, А.Ш.Жузжоний, И.Ҳаққул, А.Абдуқодиров, С.Олим каби олимлар тадқиқотларида тасаввуф тарихи, ушбу таълимотнинг назарий жиҳатлари ва адабиётга таъсири масалалари муштарак ўрганилди². Адабиётшуносликда муршид ва мурид, устоз ёхуд толиб образи хусусида А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, А.Рустамов, О.Шарафиддинов, Б.Тўхлиев, С.Сайфуллох, Э.Очилов, Б.Раджабова, Н.Ҳасан

² Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1-китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1996; шу муаллиф. Тасаввуф. Тавҳид асрори. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1999; шу муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент. Адолат. 2001; Ҳаққулов И. Шеърият – рухий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990; шу муаллиф. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; шу муаллиф. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998; Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. – Хўжанд, 1994; Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; шу муаллиф. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: Фан, 1992.

каби адабиётшунослар мақола ва монографияларида фикрлар билдирилган³. Педагогика, фалсафа, психология каби йўналишдаги тадқиқотларда ҳам мазкур мавзу хусусида йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган⁴. Бироқ бугунга қадар ўзбек мумтоз адабиётида муршид ва мурид образи масаласи кенг кўламда махсус ўрганилган эмас.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тасаввуф ҳақидаги қарашлар хаамиша мунозарали бўлганлиги маълум ҳақиқат. Адабиёт ва тасаввуф муносабатидаги баҳслар тасаввуф дунёга келиши биланок бошланди, десак муболаға бўлмас. Шу боис унинг ўрганилишида доимо муаммолар бўлган. Бунинг асосий сабаби мазкур таълимотнинг асл моҳиятини англай билмаслик, баъзан эса атайлаб бузиб кўрсатиш мақсад қилинганлигидадир. Бироқ Шарқ мумтоз адабиётининг бош манбаси тасаввуф эканлиги барча замонларда ҳам эътироф этилган. XX аср адабиётшунослигида тасаввуф ва адабиёт масаласи деярли, ўрганилмади. Айрим тадқиқотлардагина риёкор муршидлар, козиб шайхлар ҳақида қарашлар билдирилди. Мустақилликдан кейин эса мазкур мавзу доирасида ижобий фикрлар, тўғри талқин ва таҳлиллар пайдо бўла бошлади. Тасаввуф тарихи, адабиётда тасаввуфий ғоялар ўрганилар экан, бу мактабнинг толибу мураббийлари хусусида ҳам фикрлар билдирилди. Н.Комилов, А.Ш.Жузжоний, И.Ҳаққул, А.Абдуқодиров, С.Олим каби олимлар тадқиқотларида тасаввуф тарихи, ушбу таълимотнинг назарий жиҳатлари ва адабиётга таъсири масалалари муштарак ўрганилди⁵. Адабиётшуносликда муршид ва мурид, устоз ёхуд

³Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: Фан, 1965; шу муаллиф. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Халқ мероси, 2002; Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Шарафиддинов О. Алишер Навоий. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1971; Тўхлиев Б. Таълим босқичларида Навоий асарларини ўрганиш / Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 2019. – Б. 648-653; шу муаллиф. Мумтоз матнлар шакли, мазмуни ва талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. №1. – Б. 12–17; Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент: Фан, 1995; Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; шу муаллиф (И.Ҳаққул билан ҳаммуаллифликда). Ишқ ва ҳайрат олами. – Тошкент: O‘zbekiston, 2016; шу муаллиф. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №1. – Б. 7–14; Раджабова Б. Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ. – Тошкент: Турон-замин зиё, 2015; шу муаллиф. Навоийнинг устоз-шогирдлик муносабатлари таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016. №6. – Б. 47–50; Ҳасан Н. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони Ҳикмат”. – Тошкент: Akademnashr, 2012.

⁴ Ўзбек педагогикаси тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Хўқандий М. Хўқанди латиф маноқиб. – Тошкент: Мовароуннахр, 2018; Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт ўқитиш усуллари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017.

⁵ Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1-китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1996; шу муаллиф. Тасаввуф. Тавҳид асрори. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1999; шу муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент. Адолат. 2001; Ҳаққулов И. Шеърят – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990; шу муаллиф. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; шу муаллиф. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998; Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. – Хўжанд,

толиб образи хусусида А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, А.Рустамов, О.Шарафиддинов, Б.Тўхлиев, С.Сайфуллоҳ, Э.Очилов, Б.Раджабова, Н.Ҳасан каби адабиётшунослар мақола ва монографияларида фикрлар билдирилган⁶. Педагогика, фалсафа, психология каби йўналишдаги тадқиқотларда ҳам мазкур мавзу хусусида йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган⁷. Бироқ бугунга қадар ўзбек мумтоз адабиётида муршид ва мурид образи масаласи кенг кўламда махсус ўрганилган эмас.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий муассаса илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида амалга оширилган “Алишер Навоий (икки жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” (2012-2016) ҳамда “Ўзбек фольклоршунослиги тарихи” (2015-2017) илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади, аввало, халқ оғзаки ижодида пир, рухий раҳнамоларнинг қаҳрамон тақдири ҳамда асар сюжетидаги ролини аниқлаш, мумтоз адабиётимиздаги муршид образи билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини белгилаш; муршид ва мурид истилоҳларига назарий манбалар ва бадиий асарлар уйғунлигида изоҳ бериш; мумтоз адабиётимизда муршид образининг пайдо бўлиш асослари ҳамда рамзий-мажозий тимсол даражасига кўтарилиш босқичларини замонавий қарашлар муштараклигида таҳлил ва талқин этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тасаввуф, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг муштарак маслак ҳамда ғояларини аниқлаш, халқ оғзаки ижодидаги пир ва халқ қаҳрамонлари ўртасидаги маънавий робитанинг мумтоз адабиётдаги муршид ва мурид образи билан ўхшашликларини ёритиш;

муршид рутбасини белгилашда инсониятнинг маънавий-руҳоний раҳнамосига айланган Хизр (а.с.) ҳақидаги қарашлар муҳим асос эканлигини кўрсатиб бериш;

1994; Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; шу муаллиф. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: Фан, 1992.

⁶Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: Фан, 1965; шу муаллиф. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Халқ мероси, 2002; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Шарафиддинов О. Алишер Навоий. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1971; Тўхлиев Б. Таълим босқичларида Навоий асарларини ўрганиш / Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 2019. – Б. 648-653; шу муаллиф. Мумтоз матнлар шакли, мазмуни ва талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. №1. – Б. 12–17; Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент: Фан, 1995; Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; шу муаллиф (И.Ҳаққул билан ҳаммуаллифликда). Ишқ ва ҳайрат олами. – Тошкент: O‘zbekiston, 2016; шу муаллиф. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №1. – Б. 7–14; Раджабова Б. Ўзум сори бокма, сўзум сори бок. – Тошкент: Турон-замин зиё, 2015; шу муаллиф. Навоийнинг устоз-шогирдлик муносабатлари таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016. №6. – Б. 47–50; Ҳасан Н. Ясавийликка доир манбалар ва “Девони Ҳикмат”. – Тошкент: Akademnashr, 2012.

⁷ Ўзбек педагогикаси тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Хўқандий М. Хўқанди латиф манокби. – Тошкент: Мовароуннахр, 2018; Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт ўқитиш усуллари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017.

тариқат таълимотидаги муршид ва мурид шахсияти ҳамда тасаввуфий-ирфоний адабиётдаги муршид ва мурид образ, рамз, тимсоллари ўртасидаги муштарак жиҳатларни белгилаш;

тасаввуф моҳияти, тариқатдаги асосий усул-арконлар ва уларнинг бадиий ифодасидаги уйғунликни асослаш;

муршид ва мурид образи, маслак ва моҳият муштараклигини очиб бериш;

мумтоз адабиётда муршид ва унга ёндош тимсоллар, шунингдек, мурид маслаги ва шахсияти такомилни ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ оғзаки ижоди намуналари, XII–XV асрлар мумтоз адабиёти намуналари, жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” ва “Факрнома”си, Сулаймон Боқирғоний ҳикматлари, Ҳофиз Хоразмий, Атойи, Лутфий, Гадоий, Саккокий, Алишер Навоий каби ижодкорлар асарлари олинди.

Тадқиқотнинг предметини тасаввуфга доир манбаларда муршид ва мурид маслаги ҳамда унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятига доир масалаларни ўрганиш, муршид ва муриднинг инсоният камолотида тутган ўрни ва ролини таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий шарҳ, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, системали ёндашув, назарий ва маърифий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

халқ оғзаки ижодида маънавий раҳнамолар ва қаҳрамон муносабатининг мумтоз адабиётдаги муршид ҳамда мурид образининг бир-бирига яқин ва муштарак жиҳатлари қиёсланган;

халқ оғзаки ижодидаги алплар ва тариқатдаги комил инсон, валий зотларнинг маънавий мақомларидаги яқинлик кўрсатиб берилган;

муршид ва мурид образининг генезиси асосланиб, Хизр комил муршид образининг тимсоли экани илмий далилланган ва тариқат дастурларини белгилашда Хизрнинг муршидлик мавқеи аниқланган;

ирфоний-бадиий адабиёт ва сўфиёна шеърят қиёси асосида даврлар мобайнида такомиллашиб борган муршид ва муриднинг маънавий қиёфаси белгилаб берилган;

тасаввуфнинг мақсад ва ғоя, дастур ул-амаллари асосида мураббий ва толиб образлари талқинидаги изчиллик ва унинг ривожи очиб берилган;

бадиий адабиёт образлар тизимидаги муршид ва муриднинг ўрни ҳамда ёндош истилоҳларга илмий изоҳ берилган, шунингдек, мумтоз адабиётдаги рамзий-мажозий тасвирда бошқа қаҳрамонларда учрамайдиган маънавий-ахлоқий фазилатларга эътибор қаратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётда акс этган руҳий тарбия жараёнини тадқиқ этиш, халқ қаҳрамонларидаги комиллик мусабихлари бўлган пири раҳнамолар образи, уларнинг вазифаларини тасаввуф маслакларини мезонида таҳлил этиш бугунги

устоз-шогирд тушунчасининг тарихий-маънавий илдизлари ҳақидаги қарашларни бойитади.

Руҳий тарбияда асосий шахсият бўлган муршид ва мурид образларини тадқиқ этиш дин, тасаввуф, тарих билан чамбарчас боғлиқ бўлган мумтоз адабиётни англаш учун асосий қадамлардан бири саналади.

Нафс эврилишлари, муриднинг ҳолу мақомларини ўрганиш ирфоний-бадий адабиётдаги ладуний рамз ва ишоратларни англаш учун асос бўлади. Адабиётнинг бош қаҳрамони комил инсоннинг фазилату хислатлари Ҳақ йўлчилигидаги муриднинг ҳолу мақоми билан боғлиқ. Адабиётдаги образ, рамз, тимсолларни ўзаро боғловчи ришталардан бири муршид ва мурид образидир. Мазкур образларнинг талқини мумтоз асарлардаги хассосият, завқу шавқнинг асоси тасаввуфий ҳаёт самараси эканлигини кўрсатиб беради. Шу маънода мазкур тадқиқот ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабиёти тарихи ва тасаввуф тарихи каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг такомиллашувига хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг илмий шарҳ, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, системали ёндашув, назарий ва маърифий таҳлил усуллари орқали асосланганлиги, бирламчи тарихий-адабий манбалардан ва ишончли илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари асосида чиқарилган назарий хулосалар ўзбек фольклори ва адабиётшунослигидаги баъзи муҳим масалаларнинг ечимини топиш учун асос бўлади. Тасаввуф ва адабиёт, адабиёт ва дин, адабиёт ва таълим-тарбия мавзусидаги баҳс-мунозараларнинг бир қадар ойдинлашишига кўмак беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишнинг материали ва умумлашма хулосаларидан ўзбек мумтоз адабиётининг тараққиёт босқичларини ўрганиш ва тарихини яратишда, олий ўқув юртлари, коллежлар ва академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактаблари учун шу фан бўйича дарслик ва қўлланмаларни тўлдиришда, олий ўқув юртларининг филология ва фалсафа факультетларида махсус курс, семинарлар ташкил этиш, маърузалар ўқишда салмоқли манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “XII–XV асрлар ўзбек мумтоз адабиётида муршид ва мурид образлари” мавзусида эришилган илмий натижалардан:

тариқатдаги таълим-тарбия усуллари, жумладан, муршид ва мурид образларининг бадий тимсол, рамз сифатидаги талқинларини ёритишда ФА-Ф1-Г039 “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” (2012-2016) фундаментал тадқиқот гранти доирасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 5 июндаги 3/1255-1880 рақамли маълумотномаси). Натижада Алишер Навоийнинг, аввало, иршод ҳақидаги қарашларини белгилашга доир хулосалар, устозларига эҳтиром сифатида яратилган асарлари таҳлили, “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида муршид ва мурид муносабати каби масалаларга ойдинлик киритилган. Мақолалар ва

диссертациядан фойдаланиб келтирилган бир қатор маълумотлар лойиҳанинг мазмунан бойитилишига сабаб бўлган;

тадқиқотда Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашлари, жумладан, тариқатларга муносабатининг ёритилганлиги, лирикасидаги муршид ва мурид образларини рамз, тимсоллар жиҳатидан бадиий талқин этилганлиги, хусусан, “Лисон ут-тайр” достонидаги тасаввуфий ҳаёт, руҳоний тарбия, муршид ва мурид муносабатлари хусусидаги илмий-назарий қарашлари ва хулосаларидан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган А–1–118 “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015–2017) амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 августдаги 89–03–3027 рақамли маълумотномаси). Натижада муршид ва мурид образининг шоир лирикасидаги бошқа образлар (зоҳид, ринд, ошиқ, ориф, фақр, соқий) билан боғлиқликдаги поэтик талқини масаласига ойдинлик киритилган. Тариқат тарбияси бадиий талқинида Навоийнинг ўзлик, шукр, ризо, таваккул, сабр, каноат, маърифат тушунчалари хусусидаги қарашлари мазкур амалий лойиҳанинг методологик асосларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий мақола чоп этилган, жумладан, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, хорижий журналда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 169 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боби *“Пир ва Хизр образларининг тарихий-ирфоний асослари”* деб номланади. Мазкур бобнинг *“Халқ оғзаки ижодида муршид ва мурид образининг асослари”* номли илк фаслида фольклор ва тасаввуф, фольклор ва мумтоз адабиёт масалалари, жумладан, руҳий тарбиядаги ўхшаш жиҳатларга эътибор қаратилди. Хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма, хоҳ Шарқ, хоҳ Ғарбники бўлсин чинакам

адабиёт илоҳиётдан ҳеч қачон йироқ яшамаган. Жумладан, ўзбек фольклори ҳам ҳеч бир даврда илоҳий асослардан ажралиб қолмаган. Аксинча, унда имон саломатлиги, руҳ тарбияси донишманд халқнинг бадиий мушоҳадасида янада баланд пардаларда тасвирланган. Одам Ато яратилганидан то бугунга қадар Ҳақ таоло бандаларини илоҳий китоблар, пайғамбарлар, авлиё ва раббоний олимлари воситасида тарбиялади.

Тасаввуф солиқ ёки муриднинг нафсини тарбия этувчи, қалбини покловчи маънавий йўл бўлганидек, халқ қаҳрамонлари ҳам ҳамиша ўзликни таниш сафариди бўлиб, йўл машаққатларини пиру комиллар, азиз авлиёлар дуою мададида енгиб, мурод-мақсадларига етадилар. Достон қаҳрамони босиб ўтадиган манзил маконларнинг Муродтепа, Аччиққўл, Ойна кўли, Бадбахт тоғи, Ойдин кўл сингари номланишининг ўзиёқ бу йўлчилик алпнинг маънавий, руҳий сафари эканлигига ишорадир. Бу мажозий номларнинг ҳар бирида бир маъно ва ҳақиқат яширинган. Ва ҳеч бир алп – эран йўлбошчисиз, пирнинг ҳиммату мададисиз мурод-мақсадига етолмайди. Аслида уларнинг дунёга келишидаёқ пирнинг дуоси ёхуд назаркардалиги яширингандир. Таълим-тарбиянинг такомиллашуви хусусида таниқли фольклоршунос Ж.Эшонқулов бундай дейди: “Ёзма адабиётдаги фалсафий қарашлар асоси, аввало, халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган. ...Тасаввуф бизнинг мумтоз адабиётда тўсатдан пайдо бўлиб қолмаган, аксинча, у халқ тафаккурида халқ оғзаки ижоди орқали шаклланган ва маълум фалсафий тус олган. Халққа тасаввуф деган атама номаълум бўлса-да, ўз моҳияти билан унга яқинлашиб қолган қарашлар туркий афсоналарда кўп учрайди”⁸. Ушбу эътироф оғзаки адабиётнинг мақолдан то достонгача – барча жанрларига хосдир. Айниқса, тасаввуфий тарбия, тариқат одоб-арқони масалалари хайрихоҳ ҳомийлар, муҳофиз тарбиячиларни бир ерда жамулжам қилган қомус – достонлардан ўрин олганлиги ғоят табиий. Мана шундай алп қаҳрамонларни кўйлаган бахшилар шахсияти, уларнинг устозлари билан муносабатлари, достонлардаги адабий сиймоси хусусида тўхталдик. Бахшилар ижодкоргина эмас, балки халқнинг буюк мураббийларидир. Улар комилликка Худо ато этган истеъдоди баробарида, албатта, маълум бир устоз кўлида тарбияланиб эришишган. Бобошоирнинг қуйидаги насихатлари фикримизнинг бир исботидир: “Катта бир бахшининг этагидан ушла... Устоз эса керак, у доим орқа тов бўлади... Қаерга хизматга борсанг, шу ернинг бахшилари бор бўлса, даврангга олдириб кел. Ёши катта бахшилар билан бирга бўлсанг, аввал кўлингга дўмбирани олма. ...Кўлингга дўмбирани олишинг билан устозлар, қари чилтонлар ва азиз авлиёларни ёдга ол, ҳалол ва пок бўлиб, достон термани бошла, болам.

...Ўзингни ҳеч қачон бозорга солма,

Худони улуг бил, Қуръондан толма.

...Ҳар дам устозингни бошингга кўтар,

Ҳеч қачон устозга ёмонлик қилма”⁹.

⁸Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 78.

⁹ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. №1548. Айтувчи: Қаххор бахши Раҳимов. Ёзиб олувчи: А.Эргашев. Қашқадарё, 1988. – Б.15.

Бахшиликдаги устоз ва шогирд муносабати ҳар жиҳатдан: ҳам маънавий, ҳам моддий бир жараён сифатида муршид ҳамда мурид муносабатига ўхшашлиги оғзаки ижод намуналари, шунингдек, академик Т.Мирзаев ва таниқли фольклоршунос С.Рўзимбоевларнинг тадқиқотлари асосида далилланди. Тасаввуфдаги муршиднинг асосий вазифасини ифодоловчи образлар халқ оғзаки ижодида тариқатдаги сингари *бобо, пир, эр, эран, соқий* каби истилоҳлар билан аталди. Инсоният тарихини чуқур ўргансак, халқ қаҳрамонларининг бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар, мумтоз адабиётдаги ҳис-туйғуларнинг рангдан-рангга, ҳолдан ҳолга эврилиши аслида ҳақиқий реалистик адабиёт. Зеро, ундаги ҳодисалар ва кечинмаларнинг асоси илоҳий китобларда бор. Улар бирда вокелик, бирда ҳис-туйғу ўлароқ умрини яшаган ва Аллоҳнинг элчилари томонидан эслатма тарзда ҳикоя қилинган. Ва пайғамбарларга хос баъзи мўъжизалар улардан сўнг Аллоҳнинг муқарраб қулларига каромат сифатида Холиқ Робби томонидан эҳсон қилинган. Бундай комил образлар халқ донолиги натижасида фольклорда мукамал шаклда жамланган.

Маълумки, Алпомиш етти ёшида алп номини олиб, ўн тўрт ёшида Қоражон тилидан комиллиги эътироф этилиб, эр даражасига юксалади. Гўрўғли эса “кўнглига илму ҳол, илму қол жо бўлган эди”, – дея таърифланади. Мурид ҳол ва мақомларга даражама-даража юксалгани каби алплар тарбиясида ҳам қатъий бир тартиб мавжуд. Қаҳрамоннинг маънан юксалиши билан пирлар даражасида ҳам тафовут кўринади. Гўрўғлининг босқичма-босқич эрлик мақомига кўтарилиши ва ниҳоят, Қора бобо ҳузурига келиши ҳам дostonларда таълим босқичларининг ўзига хос тизими борлигини кўрсатади. Гўрўғли аввал *авлиё, ҳаким, вали* Сари бобо билан учрашади. Сари бобо эса акаси Қора бобо ҳузурига олиб боради. *Қутби замон* дея таърифланган Қора бобонинг маънавий даражаси жуда баланд. Зеро, қора – тамкин ҳолига эришган нафси мутмаинна соҳибининг рангидир. Муриднинг руҳоний ҳаёти ранглар билан бевосита боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Ранг воситасида лирикада сирли, рамзий ҳол тасвирига эришилса, фольклорда у маълум бир қаҳрамон сифатида яшаб, янада ёрқинроқ тасвир ва талқинни ҳосил қилган. Гўрўғли каби алпларнинг Қора бобо каби қутби замонлар ҳамда Хизр (а.с) билан учрашишгача бўлган узоқ сафари аслида унинг нафс покланиши, маънавий юксалишидир.

Биринчи бобнинг “*Хизр руҳоний-маънавий раҳнамо*” номли фаслида иршоднинг икки йўли ажратилди. Аввали, *Нубувват йўли* – бунда Яратган асосан малаклари воситасида ваҳий юбориб, хос бандаларини тарбиялайди. Иккинчиси эса, *Валоят йўли* – бунда бир муршиди комил этагидан тутиб, “вусул” ва унинг сиррига эришилади. Бу масалада “Агар билмайдиган бўлсангиз, аҳли илмлардан сўрангиз (Наҳл: 16/43)” каби оятлар ҳамда Китобуллоҳдаги Мусо (а.с.) ва Солиҳ қул қиссаси равшан мисол ҳамда асослардан бўлган. Англамоқ лозимки, муршидга байъат аслида Ҳазрати Пайғамбар ва Аллоҳга интисобдир. Бу Қуръони каримда шундай келади: “Албатта, Сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир (Фатҳ: 48/10)”.

Муршид Ҳаққа етган, бандаларини тарбия этиш учун Ҳақ амри билан халққа кайтган, маънавий вазифа юкланган хос, танланган бандалардандир.

Тариқат таълим тизими, муршид ва мурид муносабатини Қуръон ва ҳадисдан излаймиз, чунки бу таълим бирор масалада шаръий далилсиз ҳукм чиқармаган. Ўқув қўлланмасидаги режалар, методикасидаги ҳар бир усулу аркон – барчаси шу иккала манба асосида тартиб билан тузилган. Инсон қалби, руҳияти каби мавҳум, қазои қадар, тариқат илми каби сир-асрорга бурканган, Солиҳ Қулнинг исми, набий ёхуд валийлиги, учрашув жойи, рўй бераётган воқеалар бари-бари номаълум парда ортида бўлган Каҳф сурасидаги 24 оятдан иборат “*Мусо ва Солиҳ Қул*” сайри сулукда муршид-мурид шахсиятининг муқим ўрнини белгилаб берган қиссалардан биридир. Таъкидлаш жоизки, мазкур қисса мумтоз адабиётда нафақат Хизр, балки комил муршид тимсолининг пайдо бўлишига замин яратди. Зоҳир илмидан ташқари ботин илми борлиги ва бу илми ўрганиш учун ҳатто сафар қилиш лозимлиги, устоз ва шогирдликдаги имтиёзлар, мурид истаётган илми ладун, тариқатдаги қабз ва баст холи каби қатор баҳс-мунозаралар Хизр (а.с.) номи билан боғлиқлиги кўрсатиб берилди. Маълумки, турли дин ва илоҳий таълимотларда Хизр образига кенг эътибор берилиб, шу орқали ҳар хил фикр-қарашлар илгари сурилган. Лекин улар орасида ғайриисломий тушунчалар мавжудлигини ҳам унутмаслик зарур. Шунинг учун мусулмон оламида Хизрга муносабат Қуръони карим ва Ҳадиси шариф асосида шаклланиб тараққий топгандир. Бу тадқиқотда ана шу масалага алоҳида диққат қилинди. Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Мавлоно Румий сингари улуғ ижодкорларимиздаги басират очилиши Хизр (а.с.)нинг тарбияси билан боғлиқдир. Хуллас, тариқатдаги “Мақомоти Хизр” даражаси ҳақида қарашлар айтилди.

Бугунги авлод халқ оғзаки ижоди қаҳрамонларини афсонавий образ сифатида эмас, риёзат, машаққат ила эришилган баркамоллик, дея баҳо бериши ва ўзи ҳам мана шу етукликка интилиши лозим. Бу мақом орзу, эришиб бўлмайдиган бир ҳақиқат эмас, балки Аллоҳнинг ҳар бандасида нафс тарбия этилиши, қалб софланиши натижасида қўлга киритилиши мумкин бўлган руҳий даража эканлигини англамоқ керак. Уларни авлоднинг идеал қаҳрамонига айлантириш, уларга нисбатан дилларда чексиз муҳаббат уйғотиш учун бу қаҳрамонларни мифлар, культлар, турли “изм”лар афсонасига бурканган “ўзга олам” одами осмонидан Заминга тушириш шарт. Нафс тарбияси мактабида Аллоҳнинг марҳамати, пирлар ҳиммати билан ҳар мўмин банда Алп – Валийга айланиши мумкин. Нафс билан мужоҳада машғулотиға миллат ёшлари қалбида муҳаббат пайдо қилиш керакки, аслида ҳақиқий ҳузури илоҳияни ҳис этмоқ учун оғзаки ижод қаҳрамонлари энг муносиб намунадир.

Ишнинг “**Ҳаётий-тасаввуфий моҳият ва образ такомил**” дея номланган иккинчи бобининг илк фасли “*Муршид ва мурид образининг гоъвий-бадий асослари*”, дея номланади. Унда тасаввуфнинг бошқа маънавий-ахлоқий мактаблардан фарқи, унинг қўлланмаси, жумладан, муршид ва мурид шахсияти ҳақидаги қарашлар бадий парчалар орқали баён

килинган. Сайри сулукда муршидлар муридига тутказадиган асосий дастур ул-амал Куръони карим ва ҳадиси шариф бўлган. Зеро, Аллоҳ таолонинг ҳам шундай таъкиди бор: “...*Барчаларингиз Аллоҳнинг арқонига (Куръонга) боғлангиз ва бўлинмангиз (Оли Имрон: 3/103)*”.

Маълумки, таълим-тарбияда устоз ва шогирд, муаллим ва издош муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Албатта, бу муносабат бугун ҳам ўзгармаган. Аллоҳнинг Мурид сифатидан пайдо бўлган сайру сулукдаги мурид шахси эса том маънода муршидга иродасини таслим этган солиқ. Таъкидлаш жоизки, тасаввуфда баъзи калима ва истилоҳларнинг зоҳирий маъноси бир қадар ваҳимали эшитилади. Шу боис ирода масаласида нафақат ғарб шарқшунослари, балки шарқ тасаввуфшуносларида ҳам чалғишлар, ўринсиз баҳс-мунозаралар пайдо бўлган. Ва билиб-билмай ёхуд атайлаб тасаввуф ҳақида нотўғри хулосаларга келинган. Ирода масаласи шулардан биридир. Мурид жузъий иродасини муршидига эмас, аслида куллий ирода соҳиби Аллоҳга таслим этади. Муршид бир кўприк, восита, мутлақ мураббий эса Аллоҳ таоло эканлиги урғуланди. Комил муршид сайру сулук орқали мурид иродасини ислоҳ этади, тоблайди. Ҳаққа суяниб ҳар қандай ҳақсизликларга қарши тура оладиган янги ва эркин маънавий “мен” дунёга келади. Шу маънода муршидлик масъулияти жуда оғир бўлган. Муршид танлашда адашиш мурид учун ҳалокат саналганлиги боис танловда жуда эҳтиёт бўлиш кераклиги қайта-қайта таъкидланган. Муршид турли фитна, ихтилофларга сабаб бўлмаслиги, таълим жараёнида мурид ислом одоб-арқонидан асло йироқлашмаслиги лозим. Зотан, ҳадисшуносликда ровийлар санади каби муршидларнинг ҳам тўрт халифа орқали Муҳаммад (с.а.в.)га уланадиган узилмас силсиласи бор.

Ўтмишда устоз, шайх, пир, бир сўз билан айтганда, муршид деб аталган зотларнинг мавқеи ҳақиқатда жуда баланд бўлган. Зеро, *Муршид* истилоҳи Аллоҳ таолонинг асмоъул ҳуснасидан бўлмиш *Ар-Рашид*, яъни иршод этувчи, тўғри йўлга бошловчи лафздан пайдо бўлган. Демак, башарият учун илк ҳақиқий мураббий зот Аллоҳдир. Аҳмад Яссавий ҳазратлари ҳам ҳикматларидан бирида шундай деган эди:

*Субҳон Изим бандасига лутф айласа -
Ичи куюб, таши ёниб, бирён бўлур.
Пир этогин тутиб толиб йўлга кирса,
Ҳақни излаб икки кўзи гирён бўлур¹⁰.*

Шубҳасиз, Аллоҳ бандаларига лутф айлагачгина, уларда ўзликни таниш майли уйғонади. Тарикат илми муриднинг риёзати ва Аллоҳнинг лутфи муштараклигида қўлга киритилади. Олами арвоҳда тавҳидни қабул этган Рух, бу дунёда ҳам ўша иқрорини унутмаслиги керак. Ирфоний адабиётнинг асосий бир мавзуси бўлган мазкур масала хусусида “Девони ҳикмат”да шундай дейилади:

*Ул “аласту би-Роббикум” айди Худо,
“Қолу бало” дебон қуллар қилди садо,*

¹⁰ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – Б. 74.

*Йиғлаб келдүк эшикинга жумла гадо,
Лутф айласанг юз минг осий хандон эрур¹¹.*

Адабиётнинг асосий ғояси бўлган Инсонни ўзига танитиш ва камолга етказиш тасаввуфда “Аласту бироббикум?” – “Мен сизнинг Роббингиз эмасманми?” хитоби ва унга жавобан келгусида яратилажак бандалар руҳларининг “Қолу бало” – “Ҳа, Сен бизнинг Роббимизсан” тарзида кечган “Аласт базми”ни ёдга олиш билан бошланади. Ушбу ваъдалашиш куни – “Ал-Мийсоқ” аталиб, унда Одам (а.с.) зурриётидан то қиёматга қадар дунёга келувчи бандалар руҳининг Яратгани билан аҳдлашуви содир бўлгандир. Инсон арабча “нисён” – “унутиш” сўзидан олинганлиги маълум. Бироқ комил муршид таъсирида “Ал-Мийсоқ”, яъни руҳоний аҳдлашув ҳар доим хотирда турганлиги боис ботин илми соҳиблари муриднинг муршидга қўл беришини *Иккинчи аҳдлашув, муршидни эса Аҳд отаси* дейишган. Айниқса, руҳият тасвири бўлган ирфоний шеърятда бундай ифодаларни жуда кўплаб учратиш мумкин. Руҳ ошиқлиги Олами арвоҳда бошланганлигига ишора килувчи байтларидан бирида:

*Ғарқи муҳити ишқинг эди жон ила кўнгил,
Ул дам руҳ эмас эди тан бирла ошно¹²,*–

деган Алишер Навоий аслида ошиқликнинг энг юксак даражасини тавсифлайди. Зеро, инсоният қалбига муҳаббат уруғи “Қолу Бало”да экилганди. Ўша “Аласт базми”ни хотирлаш учун йўлни муҳофиз пешволигида босиб ўтмоқ жоизки, комил муршиднинг хизмати бунда тенгсиздир. Муршид ва мурид муносабатининг тасаввуф таълимотида муҳимлиги ҳам ана шунда. Инсоннинг маънавий сафарида ҳар турли хавф, таҳлика ва офатлар бор. Зотан қалб саёҳатида ҳам манзилларнинг ўзига хос белгилари, маёқ ва бекатлари мавжудки, уларни фақат йўлни интиҳосига етказганларгина билишади. Шу боис йўл кўрсатувчи, огоҳ этувчи бир йўлбошчига эҳтиёж табиий эканлиги адабиётда такрор-такрор таъкидланди:

*Тариқатга сиёсатлиқ муршид керак,
Ул муршидга эътиқодлиқ мурид керак,
Хизмат қилиб пир ризосин тобмоқ керак,
Мундоғ ошиқ Ҳақдин улуш олар эрмиш¹³.*

Йўлдаги қоронғуликларни ёритувчи нур, тузоқ ва чоҳларни кўрсатувчи, Аллоҳнинг раҳмати орқали муридни Ҳаққа яқинлаштирувчи комил инсон, албатта, муршиддир. Тариқатда илдамлаш “сиёсатлиғ муршид” ва “эътиқодлиғ мурид”нинг ҳамнафаслигидан юзага чиқади.

Тасаввуф ўрганадиган майдон: **нафс, қалб, руҳ**. Мақсад эса **нафс тазкияси, қалб тасфияси ва руҳ таҳлияси** ҳисобланади. Шу маънода тасаввуфий адабиёт инсонга бир кўзгу тутдики, унда инсон нафсидаги ноқислик, кўнглидаги осойиш, руҳидаги латифликни кўрди ва англади.

Маълум бўлишича, комил муршиднинг йигирмадан ортиқ хислат ва фазилатлари мавжуд бўлган. Бугунги таълим мактаблари учун ҳам жуда

¹¹ Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 1-том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 70.

¹² Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. МАТ. 6-том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 8.

¹³ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – Б. 134.

зарур саналган, асрлар тараққиёти ҳам таъсир ўтказа олмайдиган ибратли томонларни жамлаб, қуйидаги хусусиятлар диссертацияда алоҳида шарҳланди: *илм ва маърифат, эътиқод, сидқу садоқат, жўмардлик ва ҳиммат, жасорат ва шафқат, гўзал ахлоқ, таваккул, виқор ва ҳайбат, ризо ва таслимият*, ниҳоят, *комил бир муршиднинг муносиб вориси бўлиш*. Тасаввуфда муршидга қандай зоҳирий ва ботиний талаблар қўйилса, муридга ҳам шундай шогирдлик мажбуриятлари юкланган. Муриднинг садоқати ва ҳурмати, албатта, унинг муомала одобида намоён бўлади. Унинг муршидига муҳаббати аслида Аллоҳга бўлган муҳаббатидан айри бир нарса эмас. Шу боис асл мақсад йўлида муршид олдида Аллоҳ ҳузурда ўтирган каби ўзни тутиш лозим.

Тасаввуфшуносликда муршидлар *таълим, тарбия ва суҳбат* шайхлари дея ажратилади. Баъзи тариқатларда зуҳд, айримларида хилват ё туш, яна бирларида суҳбатга таянилган. Бироқ тариқат мактабларининг тарбия усулларини бир-биридан кескин фарқлаб бўлмайди. Фақат одобу арқонида маълум жиҳатларгина фарқли ёхуд баъзи амалий томонлар устуворлик қилади, холос. Аммо мурид туш, узлат, суҳбат тажрибаси маърифатининг барчасидан баҳраманд бўлган.

Солиқнинг ташқи кўриниши, кийиниш одоби, унинг зоҳирий маъноларию, ботиний рамзлари тасаввуфдаги қизиқарли мавзулардандир. Жумладан, хирқа муриднинг таслимияти, масъулияти, мақсади ва матлабини эслатиб турувчи доимий ҳамроҳидир. Байъат, хирқа кийиш каби маросимлардан сўнг расман мурид муршид муносабати бошланади. Мурид икром бўлиш билан муршид даргоҳига юз тутуди ва аҳдини бажаришга киришади.

Сайру сулук маънавий қарвонига қўшилишда тавбага ҳам жуда катта эътибор қаратишган. Шу боис маноқиб ва тазкираларда валийларнинг тавбаси, уларнинг тариқатга кириш сабаблари батафсил ёритилган. Хуллас, ушбу фаслда тариқатдаги барча муваффақиятларнинг пойдевори тавба, башарият отаси Одам (а.с.)нинг нажоти ҳам тавбасида эканлиги далилланган.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли “*Муршид ва мурид муносабатидаги ўзига хосликлар*” деб номланади. Тариқат сарбонининг асосий вазифаси эса муридига: “Инсон нечун яратилди, бу дунёи дунга нега келди ва қаерга кетмоқда?” каби саволлар бериш ва ечим топгунича мураббийлик қилмоқдир. Шу боис тасаввуф – сайри сулук дейилади. Асли инсон сайри Азалда – Олами Арвоҳда бошланди, сўнги эса Охират – Абадиятдандир. Аммо узок йўлчиликнинг инсонни шариф айлаган ирода, ишқ, илм синаладиган энг машаққатли манзили, энг қийин даври – мана шу фоний дунёдир. Йўлнинг пасту баландини билган, унинг завқи шавқини ҳис этган тажрибали раҳнамо, Пайғамбарнинг вориси бўлган “йўл қуловузи” мана шу идроку ирода синовиди керак. Муршид муридларини мушоҳада, тафаккур неъматидан насиба олиши учун қалблар қулфини очувчи калитдир.

Тасаввуф ишқ ва ирфон сафари. Солиқ учун “арши муалло”, сўфий учун “олами кубро” саналган, халойиққа саждагоҳ олам Каъбасидан кўра Холиққа

жилвагоҳ Кўнгил Каъбаси қадрлироқ эканлиги кўнгил сафарининг бадиий талқини бўлган “Лисон ут-тайр”да шундай баён қилинади:

*Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.
...Айлаганда рознинг ганжсини арз,
Не само айлаб қабул они, не арз.
Ғайри инсонким қилиб они қабул...
Ҳам залум айлаб хитобин, ҳам жаҳул¹⁴, –*

дея, Навоий бутун коинотни яратишдан ғараз инсон, инсондан ғараз эса махзани ирфон, Аллоҳнинг омонатини қабул айлаган КЎНГИЛ эканлигидан баҳс этади. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади: “Биз бу омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф этдик. Улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у ўзига зулм қилувчи ва нодондир (Ахзоб: 33/72)”. Арзу само, буюк тоғлар кўрқиб қабул этмаган омонатни аҳли зоҳир – Шариат, аҳли ботин эса – Ишқ, дея тафсир этдилар. Атойи хазратлари:

*Ер, кўк таҳаммул айламаган ишқ амонатин,
Жони ҳазини хастайи Одамга боғлади¹⁵, –*

деса, Убайдий ҳам ҳикматларидан бирида:

*Халифат ур-Раҳмонлиқ илму ҳикмат мулкинда,
Тегмас эрди одамга арода ишқ ўлмаси¹⁶, –*

дея, Одамнинг халифа этиб тайинланишини ишқ билан боғлаган эди. Тариқат кўнгилни омонатга хиёнат этмаслик учун тарбия этса, адабиёт унинг ҳолат ва кечинмаларини ифода этади.

Тасаввуф қўлланмаларида шариат амрларини адо этмасдан тариқат амалиётига, маърифат мушоҳадасисиз ҳақиқат сирларига етиб бўлмаслик таъкидланган. Яссавий ҳикматларида ҳам бу ҳақиқатга такрор-такрор урғу берилган:

*Ўтти умрум – шариатга етолмадим,
Шариатсиз тариқатга ўтолмадим,
Ҳақиқатсиз маърифатга етолмадим,
Қоттиқ йўлдур, пирсиз нечук ўтар, дўстлар¹⁷.*

Дарҳақиқат, сулук аҳли руҳ учун шариатга риоя этиш ва суннатга эргашишдан улуғроқ ва фойдали амални билишмаган. Одам авлоди фитратида комилликка руҳий бир интилиш бор экан, нажот йўли шариатдир, дейилган.

Муршид таълим-тарбия усулидаги муваффақиятнинг асосий сабабларидан яна бири – инсоннинг ботинига сафарни зоҳир, яъни вужуд тарбиясидан айро тасаввур этмай, билъакс муштаракликда олиб бора олишидир. У муридга ҳалол луқма, оз емоқ, кам уйқу, тоза либос, давомий

¹⁴ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 12-том. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 9.

¹⁵ Атойи. Девони Шайхзода Атойи. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 267.

¹⁶ Убайдий. Ҳикматлар. – Тошкент: Моворауннаҳр. 2020. –Б.38.

¹⁷ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – Б. 35.

сукут, хамиша таҳоратли бўлмоқ, хилват, зикр каби мажбуриятларни юклайди.

Ушбу фаслда барча ирфоний адабиётда зикр этиладиган ва мумтоз асарларимизда эътибор қаратиладиган (“*Мен жин ва инсни ўзимга ибодат қилишлари учун яратдим (Зориат: 51/56)*”, “*Биз бу омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф этдик. Улар уни кўтаришидан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у ўзига зулм қилувчи ва нодондир (Аҳзоб: 33/72)*”, “*Мен яширин бир хазина эдим, билинишни устадим ва мени билсинлар дея махлуқотни яратдим*”, “*Нафсини таниган Роббини танийди*”, “*Ўлмасдан бурун ўлинг*”) каби оят ва ҳадислар руҳ тарбиясининг асосини ташкил этиши қайд этилди.

Пири комил кўнгил сафари ҳисобланган сайри сулукнинг қаердан бошланиб, қаерда тугаши, муриднинг йўл озиғи нима эканлиги, қай манзилда тўхтаб, қаерда илдамроқ юриш керак – буларнинг барини аниқ билиши лозим. Муршид муридини тетапоя қилаётган гўдак каби манзилнинг бошланишидан сўнгига қадар олиб ўтади. Муршид ва мурид ўртасида уйку ва бедорлик, суҳбат ё хилват бўлсин ҳеч қачон маънавий бир робита узилмайди.

Диссертацияда ирфоний қўлланмалардаги илмий-амалий қарашлар ҳамда сўфиёна шеъриятдаги муршид, мурид образи муштаракликда таҳлилга тортилди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Образ, маслак ва моҳият муштараклиги**” деб номланади. Мазкур бобнинг “*Муршид ва унга ёндош тимсоллар*” фаслида Аҳмад Яссавийдан бошланган ва унинг издошлари томонидан давом эттирилган адабиёт намуналари тасаввуфнинг рамз ва ишорат тилидаги моҳияти сифатида таҳлил ва талқин этилди. Тарикат мактабларида икки асосий шахсият: Ҳақ йўлчиси – мурид ва унинг йўлбошчиси – муршид адабиётда ҳам худди шундай мавқени эгаллади. Улар адабиётда шунчалар кўп рамз ва тимсоллар билан жонлантирилдики, ўз-ўзидан бошқа образларни бирлаштирувчи энг асосий образга айланди, деса, муболаға бўлмайди. Мурид қалбига инадиган тажаллилар ҳар хил, шу боис унинг ҳол баёнларидаги рамз ва тимсоллар ҳам турличадир. Аллоҳ баъзан исм, баъзан сифат, гоҳо феъл ва ниҳоят, зоти ила тажалли этади. Адабиёт ҳам шунга муносиб унинг ҳол ва мақом даражасини кўрсатувчи, энг ёрқин тасаввурни берувчи образ, рамз, тимсоллар танлади.

Туркий адабиётда муршидни англатувчи образ, рамз, тимсоллар шу қадар кўпки, биз ишда барча ижодкорлар учун умумий бўлган, энг кўп учрайдиган: *бобо, ота, эр, эран, қуловуз, пир (айниқса дайр пири), шайх, ҳодий, соқий, муғбача, султон, шоҳ, хожа, саййид, гассол, чўпон, роҳрав, раҳбар, китоб, кўнгил, шиқ* кабиларгагина тўхталдик. Тасаввуф тарихи, унинг буюк вакиллари ҳаёти ва сўфиёна шеърият образларини ўрганиб амин бўлдики, муршид образи моҳиятини очувчи, энг кўп қўлланиладиган, туркий халқлар руҳиятига ҳам жуда мос истилоҳ бу – *бобо, ота* лафзидир. Турклар, жумладан, ўзбеклар ўз шайхларига бобо, ота дея мурожаат этишган:

Занги ота, Қўйлиқ ота, Баҳоуддин бобо ва ҳоказо. Туркона руҳни берувчи истилоҳлардан яна бири эр, эрандир. Туркий сўфиёна шеърятни образ, рамз ва тимсоллар билан бойитган Яссавий эр мақомининг даражасини қуйидаги байтда тўла очиб берган эди:

*Қул Хожса Аҳмад эр бўлмасанг, ўлгон яхши,
Тирик бўлмай, қаро ерда сўлгон яхши*¹⁸.

